

# YANG O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ


# 2023

DAVRIYLIGI:  
2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF  
ETILGAN LOKOMOTIV POYEZD



George Stephenson.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR  
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ  
WWW.CONFERENCES.UZ



IYUL  
№54

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:  
ИННОВАЦИЯ, ФАН  
ВА ТАЪЛИМ  
1-ҚИСМ**

---

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:  
ИННОВАЦИИ, НАУКА  
И ОБРАЗОВАНИЕ  
ЧАСТЬ-1**

---

**NEW UZBEKISTAN:  
INNOVATION, SCIENCE  
AND EDUCATION  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2023**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 54-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 33 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофик:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)





**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

<b>1. Турғунбоев Элбекжон Одилжонович</b> ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	7
<b>2. Маматбаева Моҳидил Ганиевна</b> ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР.....	10
<b>3. Хужаназаров Акмалжон Рахимович</b> МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	13
<b>4. Axmedov Abdulatif Mashrapovich</b> МАҶБУРИЙ МЕННАТГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУҶАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАСHTИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	19
<b>5. Самиев Темурмалик Абдурахматович</b> РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	24
<b>6. Турғунбоев Элбекжон Одилжонович</b> ЖИНОЙИЙ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ: ТУШУНЧА, ТИЗИМ, МОҲИЯТ.....	27
<b>7. Хазраткулов Лазизбек Бахриддинович</b> ҚАСДАН ВА ЭҲТИЁТСИЗЛИКДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШ АСОСЛАРИ.....	30



## ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Турғунбоев Элбекжон Одилжонович,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди  
Телефон: +998903277378  
E-mail: e.turgunboyev@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу тезисда муаллифнинг жазодан озод қилиш институтини такомиллаштиришнинг айрим масалалари юзасидан айрим мулоҳазалари баён қилинган. Муаллифга кўра жиноят қонунидаги жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноий жазо қўлланилиши шарт ва зарурлигини англатмайди.

Шунингдек, жиноят қонунчилигини ислоҳ қилишнинг бугунги шароитида жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг муҳим вазифаларидан саналади. Хорижий давлатда суд ҳукми билан жазо ўтаб, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига ўтказилган маҳкумларнинг хорижий давлат ҳудудида жазони ўтаган муддатларини инобатга олиш масаласи ҳам баҳс туғдиради.

**Калит сўзлар:** жазодан озод қилиш институти, жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш, жазони ўташ учун ўтказилган маҳкумлар, хорижий давлат ҳудудида жазони ўтаган маҳкумлар, шартли ҳукм қўлланилган шахс.

Жиноят қонунидаги жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноий жазо қўлланилиши шарт ва зарурлигини англатмайди [1]. Жиноят қонунчилигини ислоҳ қилишнинг бугунги шароитида жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг муҳим вазифаларидан саналади. Бугунги кунда хорижий давлатда суд ҳукми билан жазо ўтаб, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига ўтказилган маҳкумларнинг хорижий давлат ҳудудида жазони ўтаган муддатларини инобатга олиш масаласи ҳам баҳс туғдиради [2].

Жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш шароитида жазодан озод қилиш институтини такомиллаштиришда суд-тергов ҳамда жазони ижро этиш амалиётидаги айрим ҳолатларни бартараф этиш юзасидан назарий ҳуқуқий қарашларни ишлаб чиқиш ҳамда тегишли қонунчилик нормаларини ўзгартириш, уларга кўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, етказилган зарарнинг қопланмаганлиги натижасида маҳкумни жазодан озод қилишга йўл қўйилмаслиги – солидар тартибда жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланмаслиги ҳолатлари жуда кўп, масалан жиноятда бажарувчи, ташкилотчи ва ёрдамчи қоплаши лозим бўлган зарар ҳажми ўзаро мутаносиб эмас. Бу ҳам жазодан озод қилишни қўллашга тўсқинлик қилмоқда.

Жазодан озод қилишнинг шартли ҳукм қилишда ифодаланадиган шакли, хусусан жиноят содир этган шахсга нисбатан синов муддатини ҳисоблаш масаласи ҳам мунозарали саналади. Жиноят ҳуқуқига оид қатор адабиётларда шартли ҳукм қилишда синов муддатини ҳисоблаш ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланиши қайд этилган. Худди шунингдек, агар шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган бўлса ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланиши лозимлиги қайд этилган [4]. Агар биринчи инстанция суди томонидан оқлов ҳукми чиқарилган, лекин кейинги инстанция суди томонидан оқлов ҳукми



бекор қилиниб шахс айбли деб топилган ҳамда унга нисбатан шартли ҳукм қўлланилган бўлса синов муддатини ҳисоблаш қандай амалга оширилиши лозим? Бир қатор олимлар шартли ҳукм қилишда синов муддатини ҳисоблашда ЖК 72-моддаси 2-қисмидаги қонидани қўллаш лозимлигига асосланган [5], дейиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 34-бандининг учинчи хатбошисида ҳам агар шартли ҳукм апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан қўлланилган бўлса, бундай ҳолда ҳам синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисобланиши тўғрисида тушунтириш берилган [6].

Мазкур вазиятда иккинчи инстанция томонидан биринчи инстанцияда чиқарилган оқлов ҳукми бекор қилинса синов муддатининг биринчи инстанция белгиланган муддатдан ҳисобланиши тўғри эмас. Шунга кўра ЖК 72-модда 2-қисми ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистоннинг айрим чет эл давлатлари билан озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун ўтказишда жазони ўташ ва ундан озод қилишнинг махсус тартиби амал қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси бир қатор давлатлар билан маҳкумларни топшириш тўғрисидаги шартномаларни 1996 йилда Грузия, 1997 йилда Озарбайжон, 1998 йилда Украина, 2009 йилда Туркменистон, 2014 йилда Бирлашган Араб Амирликлари билан имзолаган [8].

Масалан, Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари ўртасидаги “Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун ўтказиш тўғрисида”ги шартноманинг 13-моддасига кўра маҳкумга тайинланадиган жазо ҳукм чиқарилган давлат судининг ҳукми асосида ўталади. Шунингдек, мазкур Шартноманинг 14-моддасига мувофиқ жазони ўташни давом эттириш учун ўтказилган маҳкумга нисбатан афв этиш ёки амнистия ҳукм ижро этиладиган давлат қонунчилигига мувофиқ қўлланади [9]. Яъни, мазкур Шартномага мувофиқ Ўзбекистон томони мамлакат ҳудудига ўтказилган Озарбайжон суди ҳукми билан жазони ўтаётган маҳкумга нисбатан афв этиш тарзидаги жазодан озод қилишга монъелик қилмайди. Бироқ, Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Президенти фақатгина Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиши мумкин [10].

Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида тузилган “Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун ўтказиш тўғрисида”ги шартноманинг 12-моддасига кўра маҳкумга белгиланган жазо ҳукм чиқарилган давлат судининг ҳукмига асосан ўталади. Шунингдек, мазкур Шартноманинг 13-моддасига асосан ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўтказилган маҳкумга афв этиш ва амнистияни қўллашга ҳақли [11]. Мазкур мазмундаги қоида Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида тузилган худди шу мазмундаги Шартноманинг 12-моддасида ҳам акс этган [12]. Юқоридаги шартномалардан фарқли равишда бунда томонлар маҳкумга нисбатан афв этиш ёки амнистия қўлланилганлиги ҳақида хабардор қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сон қарори 2-бандида амнистия акти Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ маъмурий ёки жинойий жавобгарликка тортилаётган (тортилган) шахсларга нисбатан қўлланилади [13].

Бироқ, юқорида қайд этилган Шартномалар мазмунидан англашиладики Ўзбекистон Республикасига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни жазони ўташни давом эттириш учун ўтказилган ҳолларда уларга нисбатан ҳам афв этиш ёки амнистияни қўлланилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошиси таҳрирда ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш шароитида жазодан озод қилиш институтини такомиллаштиришда суд-тергов ҳамда жазони ижро этиш амалиётидаги айрим ҳолатларни бартараф этиш юзасидан назарий ҳуқуқий қарашларни ишлаб чиқиш ҳамда тегишли қонунчилик нормаларини ўзгартириш, уларга қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

– етказилган зарарнинг қопланмаганлиги натижасида маҳкумни жазодан озод қилишга йўл қўйилмаслиги – солидар тартибда жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланмаслиги ҳолатлари жуда кўп, масалан жиноятда бажарувчи, ташкилотчи ва ёрдамчи қоплаши ло-





зим бўлган зарар ҳажми ўзаро мутаносиб эмас. Бу ҳам жазодан озод қилишни қўллашга тўсқинлик қилмоқда;

– ЖК 72-модда 2-қисмини қуйидаги тахрирда ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ:

**“Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади”.**

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошисини қуйидаги тахрирда ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ:

**“Амнистия акти Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек халқаро шартномаларга кўра чет эл давлат қонунчилигига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилаётган (тортилган) шахсларга нисбатан қўлланилади”.**

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/1455976>

2. Терентьева Валерия Александровна О понятии освобождения от уголовного наказания в доктрине уголовного права // Уголовная юстиция. 2017. №10. УРЛ: <https://cyberleninka.ru/artislen/n/o-ponyatiy-osvobodzhdeniya-ot-ugolovnoy-nakazaniya-v-doktrine-ugolovnoy-prava>

3. Л.Х.Караева, О.Х.Кочиева. Ультраактивное действие уголовного закона. Вопросы экономики и права. 2019. № 3 (129). С.10-11.

4. Анашкин Г.З., Вышинская З.А., Минская В.С. Условное осуждение и практика его применения. – М., 1991. – С. 11.; Ретюнский И.С. Уголовная ответственность и ее реализация. – Воронеж, 1993. – С. 56.; Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 265.; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.2. Жазо тўғрисида таълимот. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. –Б. 189.; Ружников А.Н. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. – М., 1994. – С. 6.

5. Тошпулатов, А. (2023). Значение принципов Уголовного кодекса при освобождении от уголовной ответственности и наказания. Общество и инновации, 4(1/С), 216–226. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-вол4-исс1-пп216-226>

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1455976#1457409>

7. League of Arab States, Riyadh Arab Agreement for Judicial Cooperation, 6 April 1983, [Electronic resource]:<http://www.refworld.org/>

8. Саидов О.Ч. Маҳкумларни топириш институтининг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши//Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald.№4 (2021) –Б.130.

9. Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида “Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун ўтказиш тўғрисида”ги Шартнома. 1997 йил 18 июнь, Тошкент. <https://lex.uz/docs/2216233>

10. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145>.

11. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида “Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун ўтказиш тўғрисида”ги Шартнома. 1998 йил 19 февраль, Киев. <https://lex.uz/docs/2198471>

12. Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун топириш тўғрисида”ги Шартнома. 2009 йил 25 февраль, Тошкент. <https://lex.uz/docs/1807404>

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1591984>

14. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. –Б.527.

**ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР.****Маматбаева Моҳидил Ганиевна,**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши  
хузуридаги судьялар олий мактаби «Жиноят ҳуқуқи»  
йўналиши тингловчиси  
Телефон 998914838702

**АННОТАЦИЯ:** Ҳозирги кунда бир қатор давлатларда маънавий, мафкуравий тажовузларнинг кучайиши, ҳаётга қарши жиноятлар, соғлиққа қарши жиноятлар, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар одам савдоси, гиёҳвандлик, беҳаёлик, зўравонлик, коррупция каби иллатлар салбий таъсири кўламининг кенгайиши ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олишда муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Мазкур мақола ҳар соҳада шиддат билан ривожланаётган Янги Ўзбекистонимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга аҳамиятли ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** **Жиноятчилик турлари, маънавий мафкура, инсон ҳуқуқлари, сиёсат, хорижий тажриба, ҳуқуқбузарлик профилактикаси.**

Ўзбекистонда жамият ривожланиши инсон, унинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият сифатида тан олинимида, инсон ҳуқуқлари устуворлиги жамиятда яшаш қоидаларига риоя этишда фуқаролар ўртасида хайрихоҳ муносабатлар йўлга қўйилишини, вояга етиб келаётган авлодни тарбиялашда ғамхўрларча муносабатда бўлишни, аҳоли саломатлигини таъминловчи шарт-шароитлар яратиб беришни заруратга айлантиради. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар томонидан жамиятдаги хулқ-атвор, хавфсизлик қоидаларига, маънавий, мафкуравий тажовузларнинг кучайиши, ҳаётга қарши жиноятлар, соғлиққа қарши жиноятлар, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар одам савдоси, гиёҳвандлик, беҳаёлик, зўравонлик, коррупция каби иллатлар салбий таъсири кўламининг кенгайиши ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олишда муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу иллатларни олдини олиш борасида замонавий услубиётини амалиётга жорий этиш масаласини долзарблаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон-бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб белгиланди. Тараққиёт йўлида шиддат билан ривожланиб бораётган Давлатимизда баркамол авлодни тарбиялаш ва халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим ва долзарб сиёсий масалалардан бири экани ҳаммамизга маълум.

Тарихдан бизга маълумки, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш давлатнинг ривожланиш йўлидаги ўта муҳим ва долзарб масала сифатида қаралган.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва Қарорларнинг асл мақсади жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалтиришда, энг аввало таълим – тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жихатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш асосий вазифалар этиб белгилашдан иборатдир.

Статистик маълумотларга кўра ер юзида ҳар йили одам савдосидан инсонлар жабрланаётганлиги, коррупция натижасида давлатлар зарар кўраётганлиги, кўплаб инсонлар қотиллик қурбонига айланиб, кўплари эса кибержиноятчиликдан жабрланаётганини асослаш мумкин. Шу боисдан, бугун дунё давлатлари жиноятчига жазо беришдан кўра, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини бартараф этиш 100 баробар кўп самаралироқ эканлигига тўлақонли ишонч ҳосил қилишмоқда. Ўз навбатида, жиноятчилик



ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора тадбирларини илмий, услубий, стратегик ва тактик таъминлаш масаласини долзарблаштиради ҳамда иш тадқиқотларини олиб бориш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Жаҳонда тараққиёт ва хавфсизликка раҳна солаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, трансмиллий жиноятлар ва ёт ғоялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганлиги уларга барҳам бериш ва ўз вақтида олдини олиш бўйича замонавий ва самарали тизимни йўлга қўйиш – дунё мамлакатларининг илмий тадқиқот ва амалий фаолияти объектига айланган. Бу борада, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олишни назарий асосларини ривожлантириш, махсус профилактика тузилмаларини шакллантириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора тадбирларини кенг жамоатчиликни жалб этиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва кенг оммага татбиқ этиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора тадбирларига замонавий технологияларни жорий этиш, ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олиш стратегик ва тактик таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда юртимизда жиноятчиликка қарши курашиш ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, асосий эътибор ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларида қарши курашиш, ҳаётга қарши жиноятлар, соғлиққа қарши жиноятлар, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш каби масалаларга қаратилмоқда.

Дунёда ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олиш чораларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган куйидаги устувор йўналишларда: ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олиш чоралари бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида хусусий секторни жалб этиш ва шахсий изкуварлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шахс, оила, уй ва мол-мулкни жиноий тажовузулардан ҳимоя қилиш қабиларга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бу муаммонинг долзарблиги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан ҳам бевосита боғлиқ ва бу ислоҳотларнинг асл моҳияти халқ фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва демократия тамойилларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг суръати ва натижалари ҳар биримизнинг бугунги кундаги шижоатимиз ва ҳаракатимизга боғлиқдир.

Давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати ва ундан кўзланган мақсад, фуқаронинг ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашдаги иштироки, бу борадаги рағбатлантириш механизмлари, ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги каби масалалар бўйича вояга етмаган ва ёшларнинг билим ва кўникмаларини тизимли ошириб борилишини таъминлаш мақсадида таълим тизимининг барча бўғинида тизимли факультатив машғулотларни йўлга қўйиш лозим.

Жиноий тажовузулар бўлганда ўзини ўзи ҳимоя қилиш учун қўллаш мумкин бўлган шахсий ҳимоя воситалари жумладан кўздан ёш оқизувчи газли баллон, механик пуркагичлар, аэрозолли ва бошқа қурилмаларни ижтимоий муомалага киритиш ва уларни қўллашнинг ҳуқуқий тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

“Телеграм”, “Инстаграм” ва “Фасебоок” ижтимоий тармоқларида “Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари”нинг расмий сайти ва каналларини маҳаллалараро ташкил этиб, унда маҳаллада олиб борилаётган профилактика тадбирларни, эълонларни ёритиб бориш амалиётини йўлга қўйиш каби амалиёт аҳолининг бирдамлигини таъминлаш, маҳалла ҳаётига оид энг сўнгги маълумотлар, хусусан криминоген вазият ва олиб борилаётган профилактика тадбирлар ҳақида тезкор хабардор бўлиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини



олиш чора- тадбирларига оид ҳудудий дастурларнинг оммавий муҳокамасини амалга ошириш, ижтимоий сўровлар ўтказиш каби имкониятларни беради.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора тадбирлари фаолиятини стратегик ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан Буюк Британия ва Япония тажрибасини ўрганиш;

Хорижий мамлакатлар полиция тизимидаги илғор тажрибаларга асосланиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора- тадбирларига оид ҳудудий дастурларни шакллантириш ва унда профилактик чора-тадбирларни белгилашда жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиётини тизимли йўлга қўйиш;

АҚШ ва Япония тажрибасидан андоза олган ҳолда жиноятчиларни қайта тарбиялашда давлат ва жамиятнинг ролини аниқ белгилаш самарали натижа беради деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини таъминлаш учун шаҳарсозлик амалиётида Сингапур, Австрия, Белгия, Ирландия, Италия, Швейцария, Дания, Франция, Голландия, Швеция ва ГФР каби давлатларнинг архитектура йўналишига оид тажрибасига асосланиш;

АҚШ ва Ғарбий Европа полиция органларининг тажрибасига асосланиб, шахс, оила, уй ва мол-мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш мавзуларида фуқаролар учун тушунарли, оддий ва содда кўринишларда қўлланмалар тайёрлаш ва аҳолига тарқатиб уларни ҳуқуқий ва маданиятини юксалтириш;

шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришда Буюк Британия ва АҚШнинг махсус дастурлари амалиётларидан фойдаланиш, шунингдек жиноятларнинг олдини олишда ноанъанавий усуллардан фойдаланишга оид тажрибаларини тадқиқ этиш, ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш амалиётига рақамли воситалар ва сунъий интеллектга таянган технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – 30.04. 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни 2014 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони -2019 йил ПФ-5618
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори -2017 йил





**МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ  
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Хужаназаров Акмалжон Рахимович,**  
Судьялар олий кенгаши хузуридаги  
Судьялар олий мактаби тингловчиси  
Телефон: (90) 989-62-94  
xujanazarovakmaljon@gmail.com

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда асослантириб берилган. Шунингдек, мақолада маъмурий суд ишларини юритишда мавжуд бўлган иш юритишни тўхтатиб туриш институтининг айрим муҳим жиҳатлари берилиб, уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган, хулоса берилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий суд, иш юритишни тўхтатиб туриш, қонунчилик, погма ижодкорлиги

Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар доирасидан ҳамда юқорида олиб борилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик. Ўйлаймизки ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд иш юритувини ривожлантириш ҳамда суднинг фаол одил судлов позициясини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

**Биринчидан, иш юритишни тўхтатиб туриш асослари** фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам, иқтисодий процессуал қонунчилигида ҳам бор бўлиб. Улар мос равишда Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддаси 1) бандида: ишда тараф бўлган фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда иш юритиш тўхтатиб турилиши шарт деб; Иқтисодий процессуал кодексининг 102-моддаси 2) бандида: ишда иштирок этувчи шахс бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли деб белгилаб қўйилган. Бироқ кодексларда асосларнинг шарт ёки ҳуқуқ эканлиги белгиланиши жиҳатидан турли хилликни кўришимиз мумкин. Жумладан, юридик шахснинг қайта ташкил этилганлик асоси Иқтисодий процессуал ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларига кўра суд иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли бўлган асос саналади; Фуқаролик процессуал кодексига кўра эса бу асос суд иш юритишни тўхтатиб туришга шарт бўлган асос сифатида белгиланмоқда. Фикри-мизча, бу асосларнинг мазмун-моҳияти ҳамда қўлланиши ҳар учала судлар доирасида бир хиллаштирилиши керак. Чунки юридик шахснинг қайта ташкил этилиши тартиби ҳамда асослари Фуқаролик кодексига белгиланган. Барча юридик шахслар, хоҳ улар иқтисодий судларда иштирок этсин, ҳоқ улар фуқаролик ёки маъмурий судларда иштирок этсин, моддий ҳуқуқ нормаси бир хилдир.

**Иккинчидан, аризачи маъмурий судга шикоят аризаси билан мурожаат қилди. Иш биринчи инстанцияда аризани қаноатлантириш рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилиши билан тугалланди. Бироқ бу ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти келиб тушди.** Иш апелляция инстанциясида кўрилди ва апелляция инстанция судининг қарори билан янгидан куриш учун биринчи инстанцияга юборилди.

Биринчи инстанция суди келиб тушган ишни қабул қилиб олиб, муҳокамага тайёрлаш босқичида турган пайтда аризачи кассация шикояти билан Олий судга мурожаат қилди. Бундай вазиятда аризачининг ҳуқуқлари қадай ҳимоя қилиниши керак? Албатта бундай вазиятда биринчи инстанцияда янгидан кўриш бошланган иш юритиш тўхтатиб турилиши керак бўлади.

**Учинчидан,** Маъмурий судларда иш юритишни тўхтатиб туришни таҳлил қилишда яна бир жиҳатни эътибордан қолдирмаслик керак, яъни яхши биламизки, Маъмурий судлар фольетини тартибга солишда, судьяларнинг ишни янада самарали ҳал этишлада Олий Суд Пленуми томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 28.07.2021 йилдаги ЎРҚ-703-сон Қонунининг 18-моддасига кўра Олий Суд: Ўзбекистон Республикаси фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва



маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши алоҳида мустақкамлаб қўйилган. Мазкур моддага биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида суд амалиётининг долзарб масалаларини кўриб чиқиши ва қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан тушунтиришлар бериши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириши ҳақида алоҳида нормалар назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, маъмурий судлар фаолиятида юзага келадиган ҳамда келиши мумкин бўлган долзарб масалаларни тартибга солиш юзасидан қарорлар қабул қилиб, кўрсатмалар бериши белгиланган. Мазкур қарорлар эса судлар учун тавсиявий характер касб этиши ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ шуниси муҳимки, Маъмурий судлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган:

1. “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 19.05.2018 йилдаги 15-сон;

2. “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида куриш амалиёти тўғрисида”ги 20.04.2021 йилдаги 15-сон;

3. “Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида”ги 25.10.2019 йилдаги 20-сон;

4. “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24.12.2019 йилдаги 24-сон Пленум қарорлари мавжуд бўлиб, мазкур қарорларининг бирортасида иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ масалага алоҳида тушунтириш ёки кўрсатма берилмаган.

Маъмурий суд процессида кўп қўлланиладиган, олтита асос билан амалга оширилиши белгиланган, шунингдек, бу институтининг фаолият юритиши учун бошқа суд процесслари, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларининг амалга оширилиши боғлиқ бўлган **иш юритишни тўхтатиб туриш** асослари, тартиби ҳамда оқибатлари ҳақида, хусусан, Маъмурий судлар соҳасида бирор бир тушунтиришнинг, услубий кўрсатмаларнинг йўқлиги бу ижобий ҳолат эмас. Қабул қилинаётган ажримлар ҳамда судьялар томонидан мазкур нормаларни (МСИЮтКнинг 99-104-моддаларида иш юритишни тўхтатиб туришга бағишланган қоидалар акс этган) қандай қўлланилаётганлиги ҳақидаги ҳисоботларнинг кўрилиши ҳамда мавжуд камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида аниқ шарҳланган процессуал кўрсатмаларни бериш мақсадага мувофиқ саналади.

Таққослаш учун Жиноят процессуал қонунчилиги, Фуқаролик процессуал қонунчилиги ҳамда Иқтисодий процессуал қонунчилигига иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ нормалар акс этган. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 116-121-моддаларида иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ бўлган нормалар назарда тутилган. Шунингдек, мазкур нормаларни амалга ошириш учун, судлар томонидан қонун нормаларини тўғри қўллаш кўникмасини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 14-сонли “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 20-банди биринчи хатбошисида иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ нормаларни қандай қўллаш масаласи тартибга солинган. Хусусан, ФПК 118-моддасида белгиланган иш юритишни тўхтатиб туриш муддатлари муайян ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, бундай ҳолатлар вужудга келиши суд зиммасига уни тиклаш мажбуриятини юклаши сабабли, суд мазкур ҳолатлар вужудга келган-келмаганлигини вақти-вақти билан текшириб турилиши лозимлиги, иш юритиш тўхтатиб турилган ҳолларда, суд ишда иштирок этувчи шахсларга иш юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топганлиги ҳақида судни хабардор қилиш зарурлигини тушунтириши лозимлиги ҳамда иш юритиш тиклангунга қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас, даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар бундан мустасно эканлиги белгилаб қўйилган. Бу эса судлар учун нормаларни қандай қўллаш учун амалий кўрсатма саналади. Шу билан бирга, фуқаролик процессуада иш юритишни тўхтатиб туриш тартиби билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 25-октябрдаги 19-сонли “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида”ги қарорининг 3-банди биринчи, ўн еттинчи хатбошиларида, 15-банди биринчи, бешинчи хат бошиларида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 14-сонли “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун



нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 20-банди иккинчи, учинчи хатбошиларида тартибга солиб қўйилган.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексининг 101-моддасидан бошлаб 106-моддасигача бўлган моддаларида иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ нормалар белгиланган. Мазкур моддаларда ифодаланган нормаларни суд томонидан қандай қўллаш масаласида Пленум қарорлари қабул қилинган. Хусусан, Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2012 йилдаги 238-сонли “Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 12-бандининг *бешинчи хатбоши*сида: агар қарздор жойлашган эрдаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлиб, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий суднинг иш юритувида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги иш мавжуд бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги иқтисодий судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза келиб тушса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш ИПК 101-моддасининг 1-бандига асосан тўхтатиб турилиши ёки ишни кўриш ИПК 230-моддасининг олтинчи қисмига асосан қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдирилиши мумкинлиги алоҳида кўрсатма сифатида берилган.

Ундан ташқари, Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли “Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 20-бандига биноан, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туришга ИПКнинг 101 ва 102-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, йўл қўйилиши мустаҳкамланган. Шунингдек, қорхонанинг раҳбарига ёки муассисларига (иштирокчиларига) ёхуд мулкдорига нисбатан қорхона банкротликка олиб келган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жиноят иши қўзғатилган тақдирда ҳам банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тўхтатиб турилиши кераклиги алоҳида асос сифатида белгилаб қўйилган. Бунда, суднинг қўзғатилган жиноят иши бўйича қабул қилинган суд ҳужжати қонуний кучга кирганда ёки тергов ҳаракатлари тугаганда банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тикланиши қоида тариқасида асосли ҳамда адолатли саналади.

Иқтисодий судлар томонидан иш юритиш тўхтатиб турилганда, процессуал муддатларни ҳисоблаш, инobatга олиш масалалари ҳам алоҳида Олий Суд Пленумининг қарори билан тартибга қолинганлигини инobatга олиш зарур. Жумладан, Олий хўжалик суди Пленумининг 19.06.2015 йилдаги 283-сонли “Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 7-бандида иш юритиш тўхтатиб турилган кундан бошлаб иш бўйича барча процессуал муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтади ва иш юритиш тикланган кундан бошлаб уларнинг ўтиши давом этиши ҳамда процессуал муддатларни қайта тиклаш куни бўлиб, иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бартараф қилиниб, суднинг иш юритишни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарган куни ҳисобланиши кераклиги белгилаб қўйилган. Бу эса судлар ва судьялар учун процессуал ҳуқуқ нормасини бир хилда қўллаш кўникмасини беради. Бу эса ҳуқуқни тўғри қўллаш ва самарадорликни таъминлайди. Ундан ташқари, мазкур пленум қарорининг 7-бандида процессуал муддат қайта тиклангандан кейин процессуал ҳаракат иш бўйича иш юритиш тўхтатиб туриш пайтига қадар қолган процессуал муддат давомида амалга оширилиши лозимлиги мустаҳкамланган.

Бироқ, фуқаролик судлари, иқтисодий судлар билан бир хил статусга эга бўлган маъмурий судларда иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ нормаларни қандай тўғри қўллаш борасида Олий Суд томонидан кўрсатмалар берилмаган, Пленум қарорлари қабул қилинмаган. Бу эса судьялар томонидан ҳуқуқ нормаларини қўллашда муаммоларнинг кўпийишига ҳамда маъмурий суднинг вазифаларини амалга оширишга турли тўсиқларнинг юзага келишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, маъмурий судларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туриш масласини тартибга солиш Олий Суднинг Пленуми қарорлари асосида амалга оширилиши керак.

**Тўртинчидан**, МСИЮТКнинг 100-моддаси 3-банди таҳлил қилинганида суд мажлисида “Нур” АЖнинг вакили илтимоснома билан мурожаат қилган. Илтимосномада ҳозирги кунда АЖ нинг ҳуқуқий шакли ва номини ўзгартириш ишлари амалга оширилаётганлиги,



АЖни МЧЖга ўзгартириш режалаштирилаётганлиги сабабли, иш юритишни ушбу жараёнлар яқунлангунга қадар тўхтатиб туриш сўралган. Суд мажлисида «Нур» АЖнинг вакили иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни сўради. Бироқ МСИЮтКнинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида нормалар ифодаланган 99-104-моддаларида иш юритишни тўхтатиб туриш учун тарафлар ёки иш юритиш иштирокчилари **илтимоснома** билан мурожаат қилишлари керак деган норма ифодаланмаган. Бу ҳам мазкур нормаларда ифода этилиши керак бўлган жиҳат саналади. Агар аниқ белгилаб қўйилса, бу мурожаат қилувчиларга янада енгиллик туғдирган бўлар эди.

**Бешинчидан,** Иш юритишни тўхтатиб туриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи учинчи ҳолат бу аризачи бўлган фуқаро давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда иш юритишни тўхтатиб туриш (МСИЮтК нинг 100-моддаси 3-банди) саналади. Маъмурий судда аризачи бўлган фуқаро давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда суд иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга эканлиги МСИЮтК нинг 100-моддаси 3-бандида кўрсатилган. Эътиборлиси шундан иботарки, ушбу модда билан фақатгина бундай ҳолат аризачи бўлган жисмоний шахсгагина татбиқ этилиши назарда тутилган. Аризачидан бошқа иштирокчиларга нисбатан татбиқ этилмайди. Шунингдек, яна бир жиҳат эътиборлики, давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда айнан қандай ва қайси мажбурият назарда тутилаётганлигини англаш бироз қийинчилик туғдиради.

Қиёслаш учун келтириш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 101-моддасида ушбу асос: “жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлганда ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмидаги даъвогар-фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда” шаклида; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 117-моддасида эса: “тараф Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётганда ёки мазкур шахслар давлатнинг бирор-бир мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда” дея мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Бунда МСИЮтКнинг 100-моддаси 3-бандида ифодаланган “аризачи бўлган фуқаро давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда” деган асосни “тараф Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётганда ёки мазкур шахслар давлатнинг бирор-бир мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда” деган асос билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

#### **Хулоса**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мана маъмурий судлар ташкил этилганига қарийб 6 йиллик вазт ўтди. Шу ўтган вақт давомида умумий кўрилган ишлар сони **88 736** тани ташкил этади. Бу албатта, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар билан бирга ҳисоблангандаги сон.

2022 йилнинг 1 январидан эътиборан, маъмурий судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш маъмурий судлардан жиноят судларига олиб берилди. Маъмурий судларда 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб фақат оммавий-ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган ишлар кўрилганлигини инобатга олсак, кўрилган ишларнинг умумий сони **16 712** тани ташкил этмоқда. Бу сон кўрсаткичларнинг келтирилишидан асосий мақсад, дастлабки йилларда маъмурий судлардаги асосий эътибор кўпроқ низоларни тезроқ ҳал этиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш орқали ифодаланганлигини қайд этишдир. Эндиликда эса, сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтиш орқали маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш масаласи судлар фаолиятини ислоҳ қилишдаги асосий масалалардан бири саналади. Шу жиҳатдан, маъмурий судларда суднинг одил судловни амалга ошириш, судга мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали таъминлаш ҳамда суд ва судьяларнинг обрў-нуфузини янада оширишга қаратилган қатор ислохотларнинг, такомиллаштириш ишларининг амалга оширилиши эндиги қўйилган муҳим вазифалардандир. Бу борада Маъмурий судларда қўлланиладиган **иш юритишни тўхтатиб туриш** институтини ҳам яна бир бор ислоҳ қилиш, такомиллаштириш, асосларни қайта кўриб чиқиш орқали маъмурий судлар фаолиятини янада яхшилаш муҳим жараён саналади.

С.Муратаев, Б.Мусаев ва Д.Артиковларнинг таҳлилига кўра, маъмурий юстиция бу - “давлат органлари ва мансабдор шахслар билан жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида





давлат бошқаруви мубосабатларидан келиб чиқадиган маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тизими” сифатида келтирилади. Бундан шу маълум бўладики, маъмурий юстиция давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тизими ҳисонлади. Шунингдек, яна бир қатор олимларнинг фикрига кўра маъмурий юстиция маъмурий таъсир чораси билан биргаликда маъмурий ҳуқуқнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Юридик фанлари доктори, ҳуқуқшунос Ж.Нематовнинг фикрига кўра Ўзбекистонда маъмурий юстициянинг шаклланишида, мавжуд бўлган ҳуқуқбузарликка оид ишларни судда кўриш эмас, балки оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш институтининг шаклланиши энг муҳим ўзгаришлардан бири саналди. Юқоридагилардан кўриб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, маъмурий юстиция маъмурий ҳуқуқий муносабатлар доирасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш, уларни ҳал қилиш тартиби ҳамда тизими ҳисобланар экан. Бу албатта, бизнинг шахсий қарашимиз ҳамда мушоҳадамизлигини инобатга олиш зарур. Айнан мана шу маъмурий юстициянинг иккита тартиби мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси бевоситқа маъмурий ҳужжатни қабул қилган, маъмурий хатти-ҳаракатни амалга оширган ёки процессуал ҳужжатни қабул қилган органга берилади ва унинг юқори турувчи органида ҳал этиладиган усул – маъмурий тартиб деб аталади (биринчи тартиб); иккинчиси эса маъмурий судларда ҳал этиладиган суд тартибидир.

Ҳуқуқшунослардан З.Эсановнинг таъкидлашича назарий жиҳатдан иш юритишни тўхтатиб туриш бу- ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар пайда бўлганлиги муносабати билан уларни бартараф этгунча процессуал ҳаракатларни номаълум муддатга тўхтатиб турилишидир. Шунингдек, ҳуқуқшунос П.П.Гуреев ўз асарларида судда иш юритишнинг тўхтатилишини қонунда назарда тутилган ҳолатлардан бири юзага келганлиги сабабли суд муҳокамасининг муддатсиз узилиши сифатида белгилаб берди, бу эса ишни кейинги кўриб чиқишга тўсқинлик қилиши ҳақида ўз таҳлилини келтириб ўтганлигини қайт этиш жоиздир. И.К.Пискарев томонидан берилган таърифга кўра: “иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш – бу суд томонидан суд муҳокамасига ёки суд муҳокамасига тай-ёргарлик кўриш босқичидаги процессуал ҳаракатларнинг вақтинча тўхтатилиши бўлиб, бу объектив, яъни суд ва ишда иштирок этувчи шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли юзага келадиган институтдир. Шунингдек, П.Й.Трубниковнинг таҳлилларига кўра судда иш юритишда иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш тушунчасини қонунда белгиланган ҳолларда суд жараёни ҳаракатининг муддатсиз узилиши сифатида баҳоланган. Тўхтатиб туриш институти нафақат маъмурий суд ишларини юритишга оид қонунчиликка, балки фуқаролик процессуал қонунчилигига, шунингдек, бошқа кўплаб ҳуқуқ соҳаларига, шу жумладан ҳакамлик судига, жинойи процессга ҳамда иқтисодий процессуал қонунчилигига ҳам хос бўлган жиҳат саналди.

“Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 19.05.2018 йилдаги 15-сон; “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида куриш амалиёти тўғрисида”ги 20.04.2021 йилдаги 15-сон; “Маъмурий ишлар бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти ҳақида”ги 25.10.2019 йилдаги 20-сон; “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24.12.2019 йилдаги 24-сон Пленум қарорлари мавжуд бўлиб, мазкур қарорларининг бирортасида иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ масалага алоҳида тушунтириш ёки кўрсатма берилмаган. Бу эса биз томонимиздан берилган таклифларнинг амалиётга татбиқ қилиниши муҳимлигини англатади.

Бир сўз билан айтганда, маъмурий судларда иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ бўлган асослар ҳамда процессуал қоидалар одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият каасб этади. Чунки бу муддат давомида шахснинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш зарурати юзага чиқади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 28.07.2021 йилдаги ЎРҚ-703-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон// <https://lex.uz/docs/-5534923>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 19.05.2018 йилдаги 14-сон “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим



масалалари тўғрисида”ги қарори// <https://lex.uz/docs/-3761338#-3762055>

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 25.10.2019 йилдаги 19-сон “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида”ги қарори// <https://lex.uz/docs/-4597589#-4599597>

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 19.05.2018 йилдаги 14-сон “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори// <https://lex.uz/docs/-3761338#-3762055>

5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2012 йилдаги 238-сон “Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори// <https://lex.uz/docs/-2483046#-4087520>

6. Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли “Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори// <https://lex.uz/docs/-1634599#-3901623>

7. Олий хўжалик суди Пленумининг 19.06.2015 йилдаги 283-сонли “Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори// <https://lex.uz/docs/-2712887#-2712907>

8. <https://public.sud.uz/report/choose-administrative>

9. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. С.Муратаев, Б.Мусаев ва Д.Артиков.

10. Ҳожиёв Э.Т. Административе лав. Текстбоок фор профессионал соллегес, Сиенсэ, 2010. П. 204

11. Нематов, Н. (2020). WOULД ТХЕ НЕW АДМИНИСТРАТИВЕ СОУРТ СИСТЕМ БЕ МИЛЕСТОНЕ ТО ЧАНГЕ ПОСТ-СОВИЕТ АДМИНИСТРАТИВЕ ЛАВ ИН УЗБЕКИСТАН?. Ревиев оф лав сиенсэс, (4), 16-20. дои: 10.24412/2181-1148-2020-4-16-20

12. Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик, Масъул муҳаррир й.ф.д З.Н.Эсанова, -Тошкент, 2019. 11-б

13. Аношина Анна Александровна. Приостановление производства по гражданским делам в судах общей юрисдикции: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.15 : Саратов, 2006 201 с. РГБ ОД, 61:06-12/927

14. Куренкова Ольга Николаевна. Теоретические и практические аспекты прекращения производства по гражданским делам в судах общей юрисдикции: дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.15 Саратов, 2006 183 с. РГБ ОД, 61:07-12/232

15. Хасаншина, Флуса Гатовна. Возбуждение производства по делу в арбитражном суде: диссертация ... кандидата юридических наук: 12.00.15 / Хасаншина Флуса Гатовна; [Место защиты: Саратов. гос. юрид. акад.].- Казань, 2012.- 204 с.: ил. РГБ ОД, 61 12-12/1282



**MAJBURIY MEHNATGA QARSHI KURASHISHGA OID QONUNCHILIK  
HUJJATLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI**

**Axmedov Abdulatif Mashrapovich,**  
O‘zbekiston Respublikasi Huquqni  
muhofaza qilish akademiyasi tinglovchisi  
ahmedovabdulatif85@gmail.com

**ANNOTATSIYA**

Xalqaro mehnat tashkilotining majburiy mehnatni tugatishga oid konvensiyalarining ahamiyati, xalqaro standartlarni milliy qonunchilikka implementatsiya qilish hamda majburiy mehnatga jalb qilganlik uchun jinoiy javobgarlik belgilashda xorijiy mamlakatlarning tajribasi o‘rganilgan.

Shuningdek, majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik hujjatlarini takomillashtirish yuzasidan takliflar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** majburiy mehnat, konvensiya, xalqaro standartlar, qonunchilik hujjatlari, jinoiy javobgarlik.

**LEGISLATION AGAINST FORCED LABOR  
ISSUES OF IMPROVEMENT OF DOCUMENTATION**

**ABSTRACT**

In this article has been studied the importance of international conventions related to the elimination of forced labor by the International Labour Organization (ILO), the implementation of international standards into national legislation, and the experience of foreign countries in identifying criminal liability for forced labor.

Furthermore, the author made proposals on enhancing legal documents related to the fight against forced labor (in the Republik of Uzbekistan).

**Key words:** forced labor, convention, international standards, legislative documents, criminal liability.

Mamlakatimizda fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini kafolatli himoya qilish, aholi bandligini ta'minlash, xodimlarning mehnat huquqlarini himoya qilish va ularga munosib mehnat sharoitlarini yaratish, shuningdek, odam savdosi va majburiy mehnatga qarshi kurashish borasida izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Majburiy mehnatni tugatishga oid xalqaro standartlarni milliy qonunchilikka implementatsiya qilishning ayrim jihatlari mamlakatimiz olimlari J.Rasulov, X.Mamatov, A.Mo‘minov va M.Tillabayevlar asarlarida tahlil etilgan.

Tadqiqot ishida majburiy mehnatdan foydalanganlik uchun javobgarlik choralari belgilash, majburiy mehnatga qarshi kurashish bo‘yicha institutsional mexanizmlarning nazariy va amaliy jihatlari yoritishda xorijiy olimlar M.Gasanov va A.Prisekinlarning ilmiy ishlariga murojaat qilingan.

Tadqiqot ishini olib borishda ilmiy bilishning tizimli, mantiqiy (analiz, sintez) qiyosiy-huquqiy tahlil, statistik usullaridan foydalanildi.

Mamlakatimizda Xalqaro mehnat tashkilotining fuqarolar mehnat huquqlarini kafolatlovchi 20 ga yaqin konvensiyalari ratifikatsiya qilindi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 30-iyuldagi “Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni odam savdosi va majburiy mehnatga qarshi kurash sohasida mamlakatimizni xalqaro maydondagi imidjini oshirishda davlat organlari faoliyatini muvofiqlashtirishning yangi tizimini yaratib berdi.

Farmonga asosan odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish milliy komissiyasi, Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish borasida kichik komissiyalar tashkil qilindi va milliy ma‘ruzachi instituti ta‘sis etildi[1]. Shuningdek, "Aholi bandligi to‘g‘risi"gi Qonun qabul qilindi hamda Mehnat kodeksining normalari tubdan takomillashtirildi.

Shu bilan birga, ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning mehnat huquqlarini ta'minlashda suiste'molchiliklarga yo'l qo'yilishi, xususan, xodimning roziligisiz qo‘shimcha mehnatga jalb qilinishi, ish haqi o‘z vaqtida to‘lanmasligi kabi holatlarning mavjudligi ushbu sohada fuqarolarning



mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirishni taqozo qiladi.

Shuni ta'kidlash lozimki, AQSH Davlat departamenti tomonidan 2023-yil 15-iyunda e'lon qilingan “Odam savdosi bo'yicha yillik hisobot”da O'zbekiston Hukumati 2021-yilga nisbatan odam savdosiga qarshi kurash borasidagi ishlarni faollashtirgani, xususan, odam savdosi jinoyati sodir etganlarni javobgarlikka tortish, xorijdagi migrantlarni qo'llab-quvvatlash, odam savdosi qurbonlari himoyasi uchun mablag' yo'naltirish borasidagi ishlari yuqori baholangan.

Shu bilan birga, bu sohada xali ham ayrim muammolar mavjudligi qayd etilib, ularni bartaraf etish maqsadida majburiy mehnatga jalb qilganlik uchun ma'muriy javobgarlikni bekor qilish va mazkur huquqbuzarlik uchun O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksida to'g'ridan-to'g'ri jinoiy javobgarlikni belgilash, shuningdek, odam savdosi qurboni maqomini berish tizimini yengillashtirish, paxta yetishtirish kvotalarini bekor qilish bo'yicha qarorlar ijrosini ta'minlash, tegishli jinoyatlarni fosh etish bo'yicha ishlarni faollashtirish, huquq-tartibot organlari uchun treninglar tashkil qilish, paxta terimi vaqtida NNTlar tomonidan mustaqil monitoring amalga oshirilishini va jurnalistlarning tegishli ma'lumotlar tayyorlashini qo'llab-quvvatlash va boshqa bir qator tavsiyalar bildirilgan.

Darhaqiqat, mehnatkashlarning erkin va ixtiyoriy tanlangan munosib mehnat sharoitlarida faoliyat yuritishi, mehnat huquqlari va erkinliklarini kafolatlash uchun huquqiy asoslarni takomillashtirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Shu nuqtai nazardan, majburiy mehnatdan foydalanganlik uchun javobgarlik masalasiga oid xalqaro va mintaqaviy hujjatlar hamda xorijiy mamlakatlarining qonunchiligini o'rganish muhim o'rin tutadi.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 12-fevraldagi “O'zbekiston Respublikasining Jinoyat, Jinoyat-protsessual kodekslariga hamda O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksiga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish haqida”gi O'RQ-673-son Qonuniga asosan, mehnatga ma'muriy tarzda majburlash voyaga yetmagan shaxsga nisbatan sodir etilganlik uchun to'g'ridan to'g'ri jinoiy javobgarlik belgilandi[2].

Mazkur holatlar majburiy mehnat amaliyotini tugatishga oid xalqaro standartlarni milliy qonunchilikda qat'iyatlik bilan joriy qilish borasidagi sa'y-harakatlardan dalolat beradi.

Fikrimizcha, O'zbekiston Respublikasining jinoyat va ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi qonunchiligida belgilangan majburiy mehnat qo'llanganligi uchun javobgarlikka oid normalar majburiy mehnatni tugatish bo'yicha xalqaro standartlar qoidalariga to'la mos kelmaydi.

Jumladan, 1930-yilgi Xalqaro mehnat tashkilotining “Zo'rlab ishlatish yoki majburiy mehnat to'g'risida”gi 29-sonli Konvensiyasining 25-moddasiga ko'ra, “Majburiy yoki zo'raki mehnatga noqonuniy majburlash jinoyat tartibida ta'qib qilinishi lozim hamda mazkur Konvensiyani ratifikatsiya qilgan Tashkilotning har bir a'zosi qonunda belgilangan sanksiyaning haqiqiy samarasini va unga qat'iy rioya qilinishini ta'minlashga majbur”[3].

Konvensiyaning ushbu talabidan kelib chiqib, shuni aytish mumkinki, mehnatga noqonuniy majburlash jinoyat sifatida jazoga tortilishi hamda a'zo-davlatlar qonunchilikda belgilangan jazolarni haqiqatdan ham yetarli darajada bo'lishini va qat'iy tarzda bajarilishini ta'minlashlari shart.

Chunonchi, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining Muqaddimasida mazkur hujjat xalqaro huquqning umum e'tirof etilgan prinsip va normalariga asoslangan holda qabul qilinganligi qayd etilgan bo'lsa[4], O'zbekiston Respublikasining “O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari to'g'risida”gi Qonunining 3-moddasida “O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari xalqaro huquqning umum e'tirof etilgan prinsiplari va normalari bilan bir qatorda O'zbekiston Respublikasi huquqiy tizimining tarkibiy qismi”[5] hisoblanishi belgilangan.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 10-moddasida “O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida yoki Xalqaro mehnat tashkilotining O'zbekiston tomonidan ratifikatsiya qilingan konvensiyasida xodimlar uchun mehnat to'g'risidagi qonunlar yoki boshqa normativ hujjatlarga nisbatan imtiyozliroq qoidalar belgilangan bo'lsa, xalqaro shartnoma yoki konvensiyaning qoidalari qo'llanilishi, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi xalqaro shartnomalarining yoki Xalqaro mehnat tashkilotining O'zbekiston tomonidan ratifikatsiya qilingan konvensiyasining qoidalari mehnatga oid munosabatlar bevosita qonun hujjatlari bilan tartibga solinmagan hollarda ham qo'llanilishi mumkinligi belgilangan”[6].

Olimlar A.Mo'minov va M.Tillabayevlarning qayd etishicha, “Xalqaro mehnat tashkilotining konvensiyalari mehnat huquqini ta'minlashga qaratilgan bo'lib, mazkur hujjatlarga qo'shilgan





davlatlar insonning mehnat huquqlarini ta'minlash bo'yicha tegishli qonun hujjatlarini qabul qilish va amaliy chora-tadbirlar ko'rish majburiyatini o'z zimmasiga oladilar. Bu majburiyat esa, xalqaro hamjamiyat tomonidan shaxsning ijtimoiy-huquqiy himoyasiga qaratilgan minimal standartlar sifatida baholanadi"[7].

Shu bilan birga, M.Yu.Gasanov "Mehnat qonunchiligi O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari va XMTning O'zbekiston tomonidan ratifikatsiya qilingan konvensiyalariga to'liq muvofiq bo'lishi shart"ligini bildirgan[8].

J.A.Rasulov yuqoridagi fikrlarni tasdiqlab, Mehnat kodeksining 10-moddasidan kelib chiqqan holda mehnatga oid xalqaro shartnomalar qoidalari O'zbekiston hududida to'g'ridan-to'g'ri amalda bo'lishi mumkinligini ta'kidlaydi[9].

Yuqoridagi fikrlarga qo'shilgan holda xalqaro standartlarda shaxsning ijtimoiy-huquqiy himoyasiga qaratilgan minimal talablar nazarda tutilganligini inobatga olib, ularni milliy qonunchiligimizda aks ettirish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Majburiy mehnatga qarshi konvensiyani ratifikatsiya qilgan xorijiy davlatlar milliy qonunchilik hujjatlarida, xususan, jinoyat huquqiga, mehnat huquqiga oid normalarda majburiy mehnat, shuningdek, qullik amaliyoti va shunga o'xshash boshqa amaliyotlar qat'iy taqiqlanadi, majburiy mehnatning qo'llanilishi holatlariga nisbatan sanksiyalar belgilanadi.

Rossiya Federatsiyasi, Qozog'iston, Qirg'iziston, Belarus Respublikasi, Gruzija jinoyat qonunchiligi tahlili shuni ko'rsatadiki, aksariyat hollarda "Shaxsni o'ziga bog'liq bo'lmagan sabablarga ko'ra ishni bajarishdan voz kecholmasligi holatida uning mehnatidan foydalanlik" uchun jinoiy jazo belgilangan. Rossiya Federatsiyasi, Qirg'iziston va Belarus Respublikasi jinoyat qonunchiligida mehnatdan bu tarzda foydalanish qullik mehnati deb nomlangan.

Xususan, Rossiya Jinoyat kodeksining 127<sup>2</sup>-moddasida qullik mehnatidan foydalanish jinoiy javobgarlikka sabab bo'lishi belgilangan. Bunda qullik mehnatidan foydalanish deganda shaxsning mehnatidan unga nisbatan "mulk huquqi obyekt" sifatida qaragan holda foydalanish hamda shaxs o'ziga bog'liq bo'lmagan holatda ushbu ishni (xizmatni) bajarishdan voz kecha olmasligi tushuniladi.

Bunday jinoyatni sodir etish 5 yilgacha majburiy ishlarga jalb qilish yoki 5 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish tarzidagi jazoni tayinlashga sabab bo'ladi.

Moddaning ikkinchi qismida ushbu xatti-harakatlarni og'irlashtiruvchi holatlarda (ikki yoki undan ortiq shaxslarga, voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan, o'zining xizmat mavqeidan foydalanigan holda va boshqa.) sodir etganlik 3 yildan 10 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish tarzidagi jazo tayinlanishi belgilangan[10].

Shu kabi norma Belarus Respublikasi Jinoyat kodeksining 181<sup>1</sup>-moddasida o'z aksini topgan[11].

Germaniya Jinoyat kodeksining 232b-moddasiga asosan shaxsning kuch ishlatish yoki kuch ishlatish bilan qo'rqitish yoki aldash orqali qullikda bo'lishiga majburlanishi, qarz bilan bog'lanib qo'yilishi, tilamchilik bilan shug'ullanishiga majburlanishi 10 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi[12].

Yoki, Peru davlatining 1323-sonli qonunchilik dekretida majburiy mehnat shaxsni ish haqi to'lanishi yoki to'lanmasligidan qat'iy nazar biron-bir vositalar bilan va uning ixtiyoriga zid ravishda ish yoki xizmatni bajarishga majburlanishdan iborat bo'lgan harakat jinoyat sifatida ta'riflanadi. Qonun mazkur jinoyat uchun olti yildan o'n ikki yilgacha ozodlikdan mahrum qilishni ko'zda tutuvchi jazo chorasini belgilaydi[13].

Benin qonunchiligida esa, majburiy mehnat – shaxsdan biron-bir tarzda jazolash bilan tahdid qilish orqali, ushbu shaxs ixtiyoriy ravishda bajarishga o'zining roziligini bermagan ish yoki xizmatni talab qilish hisoblanadi. Kamerun qonunchiligiga ko'ra, "erksiz va majburiy mehnat" tushunchasi bajarilishi/ko'rsatilishi fuqarodan jazolash tahdidi bilan talab qilinadigan har qanday ish yoki xizmatni, ya'ni fuqaro ixtiyoriy ravishda bajarish/ko'rsatishga rozi bo'lmagan ish yoki xizmatni anglatadi[14].

AQSH qonunchiligida majburiy mehnatdan foydalanayotgan shaxslar uchun jinoiy javobgarlik ko'zda tutilgan bo'lib, bunda jinoyat uchun yigirma yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi belgilangan. Buyuk Britaniyaning 2015-yilda kuchga kirgan "Zamonaviy qullik to'g'risida"gi qonunida esa umrbod qamoq jazosi nazarda tutilgan[15].

O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi 148<sup>2</sup>-moddasi 1-qismida mehnatga biron-bir shaklda ma'muriy tarzda majburlash, bundan qonunda nazarda tutilgan hollar mustasno, xuddi shunday qilmish uchun ma'muriy jazo qo'llanilganidan keyin sodir etilgan bo'lsa, shuningdek,



ushbu moddaning 2-qismida xuddi shunday harakat voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etganlik uchun jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan.

Mazkur moddaning 3-qismida ta’lim tashkilotining pedagog xodimiga nisbatan xuddi shunday qilmish uchun ma’muriy jazo qo’llanilganidan keyin sodir etilgan bo’lsa jinoiy javobgarlik belgilangan[16].

Majburiy mehnat uchun javobgarlikni xalqaro-huquqiy hujjatlar talablari va xorijiy mamlakatlar qonunchiligida qo’llanilishi bo’yicha qiyosiy-huquqiy tahlildan kelib chiqib, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi 148<sup>2</sup>-moddasida qonunda nazarda tutilgan hollardan tashqari majburiy mehnatga jalb qilganlik uchun to‘g‘ridan to‘g‘ri jinoiy javobgarlikni belgilash maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Shu bilan birga, taklif etilayotgan moddaning ikkinchi qismida o‘sha harakatlarni ikki yoki undan ortiq shaxsga, homiladorligi aybdorga ayon bo‘lgan shaxsga, voyaga yetmagan shaxsga hamda ta’lim tashkilotining pedagog xodimiga nisbatan, shuningdek, takroran yoki xavfli retsidivist tomonidan sodir etganlik uchun jinoiy javobgarlikni nazarda tutish lozim.

Mamlakatimizda majburiy mehnatga jalb qilishning o‘ziga xos xususiyati shundan iboratki, aksariyat hollarda ish beruvchi tomonidan barcha xodimlar qurilish, obodonlashtirish va paxta terimiga majburlanadi.

Fikrimizcha, majburiy mehnatga voyaga yetmagan shaxsni, jamoani, homilador ayolni hamda ta’lim tashkilotining pedagog xodimini jalb qilish, shuningdek, ushbu qilmishni takroran yoki xavfli retsidivist tomonidan sodir etishning ijtimoiy xavfiligi yuqori bo‘lib, ushbu harakatlar uchun qonunchilikda alohida jazo belgilanishi, majburiy mehnatni oldini olish hamda qonunchilikdagi bo‘shliqni bartaraf etishga xizmat qiladi.

O‘z navbatida, O‘zbekiston Respublikasining ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi qonunchiligida belgilangan majburiy mehnat qo‘llanganligi uchun javobgarlikka oid normalarni bekor qilish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, majburiy mehnatni tugatishga oid xalqaro standartlarni milliy qonunchilikka joriy qilish mazkur sohaga oid qonunchilik hujjatlarimizni xalqaro hujjatlar talablariga muvofiq lashtirish, majburiy mehnatni oldini olish, unga qarshi kurash samaradorligini oshirish, fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini kafolatli himoyalash, shuningdek, xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar bilan munosabatlarda mamlakatimizning ijobiy imijini mustahkamlash hamda xalqaro reytinglardagi o‘rnini oshirishga yordam beradi.

#### ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 31-iyuldagi “Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-5775-son Farmoni // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 17.03.2021 y., 06/21/6188/0216-son.

2. O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 12-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat, Jinoyat-protsessual kodekslariga hamda O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi O‘RQ-673-son qonuni // <https://lex.uz/docs/5286348>.

3. Zo‘rlab ishlatish yoki majburiy mehnat to‘g‘risidagi Konvensiya // <http://www.lex.uz/docs/2741079>.

4. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son.

5. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021 y., 03/21/683/0375-son.

6. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 12.04.2023 y., 03/23/829/0208-son.

7. Inson huquqlari. Darslik / A.R. Mo‘minov, M.A. Tillabayev; mas’ul muharrir A.X. Saidov. – 2-nashr. – T.: Adolat. 2013. – B.203.

8. Gasanov M.Yu. Trudovie prava molodeji: mejdunarodnie standarti natsionalnoye zakonodatelstvo. “Voyaga yetmaganlarni mehnat sohasida muhofaza qilishning huquqiy jihatlari: milliy va xalqaro standartlar” mavzusidagi davra suhbat materiallari. –T.: TDYUI nashriyoti, 2007. – B.70.

9. Rasulov J.A. Majburiy mehnatni tugatish bo’yicha xalqaro standartlarni O‘zbekiston Respublikasining qonunchiligiga implementatsiya qilish masalalari. Diss. ... PhD. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Toshkent davlat yuridik universiteti, 2021. – B. 105.

10. <https://base.garant.ru/10108000/1ec4420cd613b0b69f15a164ea16d999/#friends>;



11. [https://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/statya-181\\_1](https://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/statya-181_1)
12. [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_stgb/englisch\\_stgb.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html)
13. Eliminating Forced Labour, Handbook for Parliamentarians No. 30, ILO ISBN: 978-92-2-133746-1 (Print), 978-92-2-133747-8 (Web PDF), Original version: English, © Inter-Parliamentary Union. 2019.
14. Database of national labour, social security and related human rights legislation of Cameroon // [https://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.listResults?p\\_lang=en&p\\_country=CMR&p\\_classification=01.08](https://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.listResults?p_lang=en&p_country=CMR&p_classification=01.08)
15. Prisekin A. Prinuditelnyy trud kak forma sovremennogo rabstva. Jurnal “Zakon i pravo”, 05-2020, S.53, DOI: 10.24411/2073-3313-2020-10212.
16. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 11.05.2023 y., 03/23/841/0270-son.



## РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Самиев Темурмалик Абдурахматович  
Ўзбекистон Республикаси  
Судялар олий кенгаши хузуридаги  
Судялар олий мактаби тингловчиси

Мазкур мақолада рақамли экспертизанинг аҳамияти, бу турдаги экспертиза соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг бугунги кундаги ҳолати ва соҳани ривожлантиришдаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, рақамли экспертиза фаолиятини тартибга солишда хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилиб, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари атрофлича ўрганилган.

В данном статье рассматривается важность судебной цифровой экспертизы, настоящее состояние и перспективы международного сотрудничества в этой области экспертизы. Также проанализирован опыт зарубежных стран в области регулирования судебной цифровой экспертизы, а также изучены вопросы совершенствования законодательства в этой области.

This article studied the importance of forensic computer-technical expertise, the current and prospects of international cooperation in this area of expertise. Also analyzed the experience of foreign countries in the field of regulation of forensic computer-technical expertise and also studied the issues of improving legislation in this area.

**Калит сўзлар:** экспертиза, халқаро ҳуқуқ, ўзаролик принципи, далил, ахборот-технологиялари, рақамли экспертиза.

**Ключевые слова:** экспертиза, международное право, принцип взаимности, доказательств, информационная-технология, судебной цифровой экспертизы.

**Key words:** expertise, international law, principle of reciprocity, evidence, information-technology, forensic computer-technical expertise.

Суд жараёнида қандай далиллар қабул қилиниши ёки қандай далиллар қабул қилинмаслиги тўғрисидаги изоҳларни билиш эксперт ва терговчи учун жуда муҳимдир. Жиноят протсессиди расмийлаштирилган далилларнинг турли хил тоифалари мавжуд. Уларнинг энг кенг тарқалган тури тўғридан-тўғри гувоҳлар ва уларнинг кўрсатувлари ҳисобланади. Бу гувоҳнинг ҳодисаларни кузатганлигидан далолат бериб, унинг хотираси, ҳалоллиги, ҳолислиги ва бошқалар билан боғлиқдир. Бундай гувоҳлик эътироз билдирилиши ва рад қилиниши мумкин, лекин кўпинча судда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради.

Инсон гувоҳлиги ўз номи билан инсон кузатувида асосланган бўлиши керак. У ҳар нарса бўлиши мумкин яъни гувоҳ бевосита эшитган, ҳидлаган, татиб ёки тегиб кўрган нарса, аммо у бошқа одамлар томонидан айтилган миш-миш ёки унга алоқадор бўлмаган одамнинг фикри бўлмаслиги лозим. 5 та ҳис-туйғулар орқали бевосита-шахсан кузатилмаган маълумот далил ҳисобланмайди.

Инсоннинг гувоҳлиги натижасида олинган далиллар бевосита бўлишига қарамасдан, билвосита тарзда олинган рақамли далилларнинг ишончилиги кучлироқ саналади. Билвосита далиллар жумладан, рақамли далиллар асосли далиллар сифатида қаралади ва мисол учун қон теккан қоғоз каби моддий далил сифатида тавсифланади. Назарий жиҳатдан, рақамли далилларнинг ишончилигини текшириш қийин, шунинг учун дастлаб Англия қонунчилигига асосланган юрисдикциялардаги бир қатор жиноят ишларида рақамли далиллари қабул қилишга йўл қўйилмаган. Бироқ, бугунги кунда, унинг қабул қилиниши жиноят ишларида ихтиёрийдир.

Электрон маълумотлар базаларида ва аудиторлик ёзувларида сақланган рақамли маълумотлар ҳар доим ҳам файдаланувчилар томонидан яратилган ахборотларни ўз ичига олавермайди. Бунда компьютер томонидан унинг ишлаш фаолияти давомида пайдо бўлган маълумотлар ҳам қамраб олинади. Бундай маълумотлар дастлаб судларда шубҳа остига олинган эди, аммо бу ёзувларни шакллантирган ва ёзиб олган компьютернинг ишончилиги ва аниқлиги ҳақидаги баъзи тасдиқларга асосланиб, далил сифатида қабул қилинган. Бунда суд яна агар рақамли далиллар бирор ташкилотга тегишли бўлса, ёзувларнинг ташкилот фаолиятига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини ҳам текширган. Радар детекторлари томонидан





автотранспорт воситалари тезлигини рақамли ёзувлари бир неча ўн йиллар далил сифатида қабул қилинган бўлсада, унинг ишончилиги доим шубҳа остида бўлган. Аммо бугунги кунга келиб рақамли далилларнинг ишончилиги даражаси рақамли криминалистика илмининг ривожланиши билан анча оширилган.

Рақамли далиллар ва ҳужжатли далиллар бир хил ҳуқуқий текширувга асосланади. Судда улар бошқа далилларга илова, қўшимча ёки бошқа далиллар билан тасдиқланган маълумотлар сифатида қўлланилади. Рақамли далиллар судларда моддий далиллар билан ўхшашлиги туфайли бугунги кунга келиб кенг қўлланила бошланди. Рақамли суд-экспертиза экспертларининг роли ушбу далилларни тушунтириш ва унинг мазмун-моҳиятини илмий фикр орқали изоҳлашда жуда муҳим ҳисобланади. Экспертнинг вазифаси далилларнинг моҳиятини тушунтириш ва шархлаш ҳамда нимадан қандай хулоса чиқариш кераклиги ёки нимани истисно қилиш лозимлигини изоҳлашда судга қўмак беришдир. Далиллар мукамал ҳолатда юборилиши керак, яъни далил у моддий бўладими ёки рақамли якка ҳолатда юборилмайди. Унинг мақбуллиги ва ишоччилигини оширадиган бошқа далиллар ва маълумотлар билан тасдиқланиб юборилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тажрибали эксперт тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаган далилларни излайди, бу далилларнинг яратилиш (шаклланиш) контекстига ва иш билан боғлиқ ҳодисалар билан шуғулланадиган кишиларга тегишли мавҳум маълумотлардир.

Рақамли далилларга жойлаштириш ва ишлов бериш жуда осон ва улар ўтган воқеаларнинг муҳим исботи сифатида хизмат қиладиган ахборот кўрсаткичларидир. Кўплаб олимлар рақамли далилларни бошқа далиллардан устун деб ҳисоблашади. Рақамли далиллар сифатида қайта тикланадиган файллар ўзларининг яратилишлари, ўзгартирилишлари ва вақт пунктлари бўйича маълумотлар тарихига тегишли файллар ва мета-ахборотлар мазмуни шаклида фойдали изларни ўз ичига олади. Бундай ахборот тергов билан боғлиқ бўлган ўтмиш воқеаларини қайта тиклашда ва рақамли далилларни топишда жуда фойдали ахборот ҳисобланади.

Агар рақамли далиллар судда фойдаланиладиган бўлса, бошқа далил шакллари билан бир хил юридик табиатга эга. Судлар одатда рақамли далиллар учун алоҳида талаблар қўймайди.<sup>1</sup> Америка Қўшма Штатларида судлар рақамли далилларни асосчилигини баҳолаш учун Федерал Тергов қоидаларига мурожаат қилади. Буюк Британияда ҳам шунга ўхшаш қоидалар мавжуд ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг ўз қонунлари бор. АҚШ Федерал қонуни зўрлик билан олинган нарсаларни чеклайди. Рақамли далилларга алоқадор бўлган қонунлар иккита нарсага алоҳида эътибор қаратади: *яхлитлик* ва *ишончилилик*. Яхлитлик – деганда рақамли далилларни ўзгартирмасликни таъминлашдир. Ишончилилик – эса маълумотлар бутунлигини тасдиқлашга ишора қилади.<sup>2</sup> Адвокатлар, рақамли далиллар назарий жиҳатдан ўзгартирилиши мумкинлиги сабабли, у далилларнинг ишончилигини пасайтириши кераклигини таъкидлайдилар. Бироқ АҚШ судьялари бу назарияни рад этишни бошладилар, чунки АҚШда Боналло судида "компьютерда мавжуд бўлган маълумотларни ўзгартириш мумкин бўлган ҳақиқат ўз тасдиғини топмади" деган қарорга келди.<sup>3</sup> Бирлашган Қиролик қоидаларида, масалан, ASPO томонидан чиқарилган ҳужжатлар далилларнинг ҳақиқийлиги ва яхлитлигини таъминлаш учун қўлланилади. Экспертлар ва терговчилар, айниқса жиноят иши юзасидан олиб борилган терговда, хулосалар фактик далилларга ва ўзларининг экспертизага оид билимларига асосланганлигини таъминлаши керак. АҚШ Федерал қонунига кўра эксперт далилларни фикр шаклида ифодалаб бериши мумкин агар:

- Кўрсатув асосли маълумот ва фактларга асосланган бўлса;
- Кўрсатув қонуний тамойил ва усулларга асосланган бўлса;
- Рақамли далиллар ишга оид ҳолатларга ишончли тарза тадбиқ қилинган бўлса.

Бу борада рақамли суд-экспертизаси ҳам тергов ўтказиш ва далилларни кўриб чиқиш

1 Casey, Eoghan (2004). *Digital Evidence and Computer Crime, Second Edition*. Elsevier. ISBN 978-0-12-163104-8. Daniel J. Ryan; Gal Shpantzer. "Legal Aspects of Digital Forensics" (PDF). Archived (PDF) from the original on 15 August 2011. Retrieved 31 August 2010.

2 Sarah Mocas (February 2004). "Building theoretical underpinnings for digital forensics research". *Digital Investigation*. 1 (1): 61–68. CiteSeerX 10.1.1.7.7070. doi:10.1016/j.diin.2003.12.004. ISSN 1742-2876.

3 Casey, Eoghan (2004). *Digital Evidence and Computer Crime, Second Edition*. Elsevier. ISBN 978-0-12-163104-8. – US v. Bonallo, 858 F. 2d 1427 (9th Cir. 1988).



бўйича махсус қоидалар ва кўрсатмаларга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, электрон далилларни қандай қўллаш бўйича кўрсатмалар беришда халқаро ёндашувлар мавжуд. Эвропа Кенгашининг “Электрон далиллар учун кўрсатмалар”и ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ташкил этиш ёки электрон далилни аниқлаш ва ундан фойдаланиш учун ёхуд рақамли далиллардан фойдаланаётган давлатларнинг суд органлари учун намуна бўла олади.<sup>1</sup>

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Christopher Slobogin. The Structure of Expertise in Criminal Cases // Seton Hall Law Review. – (2003). – Vol. 34:105. – P.106-107
2. Melanie Klinkner. Forensic science expertise for international criminal proceedings: an old problem, a new context and a pragmatic resolution // The international journal of evidence & proof. (2009) №13. – P. 102–103.
3. Michael J. Saks. The Legal and Scientific Evaluation of Forensic Science (Especially Fingerprint Expert Testimony). Seton Hall Law Review. 2003. Vol. 33. – P.1167.
4. Radzevicius E. The application of the special knowledge investigating criminal violations of the requirements of the work safety regulations: theory and practice in Lithuania. Summary of Doctoral Thesis. Social Sciences, Law (01 S). Mykolas Romeris University. – Vilnius, 2006. – С. 14.
5. Saimir Fekolli. Expertise as evidence in criminal proceedings from the Communist period until nowadays // Academic Journal of Business, Administration, Law and Social Sciences Vol 1 No 2. 2015. – P. 265-266.
6. The Journal of Criminal Law and Criminology. 1938, March-April, p. 18.
7. The Journal of Criminal Law, Criminology and Police Science, 1953, vol. 44, No 4, Nov.— Dec., p. 522

---

1 "Electronic Evidence Guide". Council of Europe. April 2013. Archived from the original on 2013-12-27.



## ЖИНОЙ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ: ТУШУНЧА, ТИЗИМ, МОҲИЯТ

Турғунбоев Элбекжон Одилжонович,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси,  
юримдик фанлар номзоди  
Телефон: +998903277378  
E-mail: e.turgunboyev@gmail.com

**Аннотация:** Тезисда муаллиф томонидан Ўзбекистон жиноят қонунчилигига мувофиқ жазодан озод қилиш институти тушунчаси, белгилари, ҳуқуқий асослари ва турларига оид айрим мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, қилмишга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилиш жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан, амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш турлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** жазодан озод қилиш, синов муддати, жазодан озод қилишнинг формал ва моддий асослари, намунали хулқ-атвор, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қўшимча жазодан озод қилиш турлари.

Жазодан озод қилиш институти концепциясини янада тўлиқ ва тўғри шакллантириш учун унинг ўзига хос белгиларини аниқлаштириш зарур. Шунга кўра, айтиш керакки, жазодан озод қилиш жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-ижроия ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Шу маънода жазодан озод қилиш-шахсга тўлиқ ёки қисман жазоланмаслик имкониятини бериш бўлиб, у давлатнинг жазони қўллашдан ёки унинг ижросини давом эттиришдан бош тортишида ифодаланади [1].

Жазодан озод қилиш уни ижро этишнинг мумкин бўлмаслиги (маҳкумнинг касаллиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, жазони ижро этиш муддатининг ўтиб кетиши) ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги (маҳкумнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиши) билан белгиланади [2].

Жиноят содир этишда айбдор деб топиш ва унга жазо тайинлаш суднинг мутлақ ваколати бўлганлиги сабабли жазодан озод қилиш фақат суд томонидан амалга оширилади.

Айрим олимлар жазодан озод қилишнинг қуйидаги икки асосини ажратиш кўрсатишади: маҳкумни тайинланган жазони реал ва тўлиқ ўтамай туриб ҳам уни ахлоқан тузатиш мумкин бўлган ҳолатлар; баъзи объектив сабабларга кўра маҳкумни ахлоқан тузатиш мумкин бўлмаган ҳолатлар [3].

Жазодан озод қилиш асослари икки: 1) мажбурий – жазодан озод қилиш суднинг мажбурияти ҳамда 2) факультатив – жазодан озод қилиш суднинг ҳуқуқи ҳисобланадиган турларга ҳам бўлинади. “Мажбурий жазодан озод қилиш”да, асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш; касаллик туфайли жазодан озод қилиш; жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жазодан озод қилиш тушунилади. Санаб ўтилган асосларга кўра жазодан озод қилиш судьянинг мажбуриятига киради. Чунки, ушбу асосларга кўра маҳкумни жазодан озод қилишда турли объектив сабаблар – жазонинг муайян қисмини ўтаганлик, касаллик натижасида, жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги инobatга олинади. Факультатив асосларга кўра жазодан озод қилиш эса судьянинг ҳуқуқи ҳисобланиб, у маҳкумнинг ҳолатини инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

Жазодан озод қилишни турларга ажратиш унинг ҳуқуқи табиатини, мавжуд жиноий-ҳуқуқий белгиларини, ижтимоий жиҳатдан тайинланиш хусусиятларини комплекс қайта кўриб чиқиш учун зарур. Бундан ташқари, жазодан озод қилиш институтининг қўлланилиши жиноий репрессияни минималлаштириш, инсонпарварлик ва адолат принципларини қўллаш, ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципи бўлишига қарамай жазо қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигидан келиб чиқишида изоҳланади [3].

Қўшимча жазодан озод қилиш турлари сифатида эса маҳкум жазони ўташни бошлаб, тайинланган жазонинг муайян қисмини ўтагандан сўнг муайян шартлар асосида жазодан озод қилиниши тушунилади. Уларга, жазони ўташдан муддатидан олдин шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш; амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш хос.

М.Ҳ.Рустамбоев жазодан озод қилишни тўлиқ, қисман ва аралаш деб аталмиш жазодан озод қилиш турларига бўлиб тушунтиради [2]. Тўлиқ озод қилишда суд ҳукмида белгиланган жазони ўташга маҳкум киришмайди. Қисман озод қилиш уни ўташ даврида жазодан озод



қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришда ифодаланади. Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари тоифасига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш хос.

Шунингдек, жазодан озод қилишнинг аралаш тури тўлиқ ва қисман жазодан озод қилишни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, уларга касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш; амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш киради.

Бундан ташқари жазодан озод қилишнинг умумий асослари субъектив, объектив, аралаш турларга ҳам бўлинади.

Жазодан озод қилишнинг субъектив турларига шахснинг жиноят содир этагдан кейинги ижобий хатти-ҳаракати, намунали хулқи, меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабати, жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни қоплаганлиги каби ҳолатларни, яъни шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилишни назарда тутаяди. Уларга жиноят қонунида белгиланган шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш, шартли ҳукм қилиш; жазони ўташдан муддатидан олдин шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари киради. Аралаш тур объектив ва субъектив омилларни ўз ичига олиб, объектив, жамиятдаги ўзгариш амнистия акти қабул қилинганлиги бўлса, субъектив афв этиш шахснинг муайян жазо муддати ўтаганлиги ва ижобий хулқ-атвори туфайли жазодан озод қилинганлиги сабабли амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш жазодан озод қилишнинг аралаш турига киради[4].

Мутахассислар томонидан қилмишга боғлиқ ҳамда шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилишнинг асослари ҳам фарқланади.

Қилмишга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилиш жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан ҳамда амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш асослари киради.

Шахсга боғлиқ ҳолатларга қуйидагилар киради: шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш; шартли ҳукм қилиш; жазони ўташдан муддатидан олдин шартли озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштириш; касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш; айбдорнинг чин қўнғилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.

Шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра жазодан озод қилишнинг асосларига тўхталиб, айтиш керакки, шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш Жиноят кодексининг 70-моддасида жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу қоида Жиноят кодексининг 65-моддасида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиш турларидан фарқли равишда, ишни судда кўрилаётган вақтда шароитнинг ўзгарганлиги ёки жиноят содир этган шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатганлиги билан шартланади [5].

Ушбу моддага асосан жазодан озод қилиш учун қуйидаги иккита шарт бажарилиши лозим:

- ишни судда кўрилаётган вақтда шароитнинг ўзгарганлиги бўлса;
- жиноят содир этган шахснинг хулқи намунали тарафга ўзгарганлиги, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлаётганлиги исботланиши зарур.

Алоҳида судларда жиноят ҳуқуқи соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгарганлиги, қилмишни декриминализация қилади деб қарор қабул қилишади. Шу нарсага қўшилиш мумкинки, воқеадаги қилмишни ягона декриминализация қилувчи нарса, қилмишни жиноят эканлигини бекор қилувчи қонун қабул қилиниши, лекин у ҳали кучга кирмаганлигидир. Ушбу ҳолатдагина шахс содир этган қилмиши шароит ўзгарганлиги туфайли ижтимоий хавфлилигини йўқотди, деб жазодан озод қилиниши мумкин [6].

Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилишда эса шахс илгари ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни





иштирокчиликда содир этганидан кейин юқоридаги шартлар асосида фаоллик кўрсатиши шахсни илгари содир этган жиноятлари учун жазодан озод қилиш мумкинлигини англатади [5].

Шартли ҳукм қилишда шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига жазоларидан бири тайинланиб, лекин уни ўтамаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра шартли ҳукм қилиш “жазодан озод қилиш”нинг тури ҳисобланади. Бироқ, айрим МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида мазкур ҳолат жазо тайинлаш бобининг таркибида кўрсатилган [7]. Шундан келиб чиққан ҳолда шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилишнинг бир тури сифатида қараш нотўғри тушунча ҳисобланади. Шартли ҳукм қилишда маҳкумга аниқ жазо тайинланади ва синов муддати белгиланади ҳамда синов муддати давомида синов шартларини бузган ҳолатда тайинланган реал жазони ижро этиш шarti юклатилади [5].

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ефремова Ирина Алексеевна Понятие, признаки, основания и виды института освобождения от наказания // Вестник СГЮА. 2018. №1 (120). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-priznaki-osnovaniya-i-vidy-instituta-osvobozhdeniya-ot-nakazaniya>.
2. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. II том.-Т.: “ILM ZIYO”, 2011. – Б.177
3. Бохан А.П., Хачатрян С.С. Классификация видов и оснований освобождения от наказания// Юрист-Правовед. - Москва, 2014. -№. – С.59.
4. Сверчков В.В. Основания освобождения от уголовной ответственности и (или) наказания: Система, законодат. регламентация, эффективность применения. авт. дисс...кан. юр. наук. - Нижний Новгород, 1997. -С.17.
5. Kabulov R., Otajonov A. A. va boshq. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. -Т.: O‘zbekiston Respublikasining IV Akademiyasi, 2012.-В.373.
6. Костылева О.В. Освобождение от наказания в связи с изменением обстановки: современные тенденции правоприменения// Библиотека криминалиста. Научный журнал. Москва, 2013. -№ 2. – С.284.
7. Бабаян, С. Л. Освобождение от отбывания наказания: проблемы и пути совершенствования / С. Л. Бабаян // Уголовно-исполнительное право. – 2018. – Т. 13(1–4), № 3. – С. 309–314.



## ҚАСДДАН ВА ЭҲТИЁТСИЗЛИКДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШ АСОСЛАРИ

Хазраткулов Лазизбек Бахриддинович,  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши  
хузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси  
Телефон: +998916807311  
hazratqulovlaziz88@gmail.com

**Аннотация:** ушбу мақолада қасддан ва эҳтиётсизликдан баданга шикаст учун жавобгарлик асослари, баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш тартиби, тан жароҳати турлари, баданга шикаст етказишнинг тиббий ва юридик таҳлили ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** баданга шикаст етказиш, соғлиққа шикаст етказиш, тан жароҳати, тан жароҳатларининг оғирлик даражаси, енгил, ўртача оғир ва оғир тан жароҳатлари.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг содир этиш усуллари турлича бўлиши мумкин. Улар 1) жисмоний (механик, термик, электрик ва ҳ.к.); 2) организмга кимёвий ёки биологик фаол воситалар орқали (турли кислоталар, заҳарли моддалар, газлар ва ҳоказодан фойдаланиш); 3) руҳий таъсир кўрсатиш каби усулларга бўлинади. Қоидага кўра, жиноят содир этиш жойи, вақти, қурол ва воситалар, соғлиққа зарар етказиш усуллари бу турдаги жиноятларни квалификация қилиш учун аҳамият касб этмайди. Бироқ мазкур белгилар таҳлил этилаётган айрим жиноятларнинг баҳоланувчи таркиблари сифатида белгиланган.

Жиноят кодекси юз берган оқибатларга кўра баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ва енгил (109-модда) шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини ўрганишда бу билан боғлиқ муносабатларнинг марказида инсон соғлиғи туради. Сабаби айнан соғлиққа қарши содир этилган жиноятлар натижасида инсон соғлиғига зарар етказилади ва жавобгарлик даражаси айнан соғлиққа етказилган зарарнинг оғирлигидан келиб чиқади.

Баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш, одатда, тиббиёт органлари ваколатига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги буйруғи билан тасдиқланган тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидаларига мувофиқ ўтказилади. Шу сабабли, баданга шикаст етказилган ҳар бир ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал-кодексининг 173-моддаси 1-қисми талабига кўра суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлиб, унинг ҳулосаси суд томонидан қайд этилган қоидалар ва ишнинг бошқа материаллари асосида баҳоланиши лозим.

Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш суд-тиббий экспертизалари фақат суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида ўтказилади.

Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш суд-тиббий экспертизаси ўтказилганда эксперт ҳулосаси, суд-тиббий текширувида эса суд-тиббий текширув далолатномаси асосида расмийлаштирилади.

Баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жароҳатларнинг оғирлик даражасини аниқлаш суд-тиббий экспертизаси суд-тиббий экспертнинг жабрланувчини тиббий кўриқдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади ва бунда икки асосий мезон ҳисобга олинади. Биринчиси соғлиққа етказилган зарар хусусиятини ифодаладиган тиббий (анатом-патологик) мезондир. Қонун чиқарувчи мазкур нормаларда “умуман соғлиқнинг бузилиши” (Жиноят кодекси 104-моддаси), “соғлиқнинг узоқ вақт” (105-модда), “қисқа муддатга” (109-моддаси 1-қисми) ва “қисқа вақт” (109-моддаси 2-қисми) ёмонлашувиغا олиб келган соғлиқнинг бузилишларини фарқлайди.

Иккинчиси меҳнат қобилиятининг йўқотиш даражасини акс эттирувчи иқтисодий мезондир. Қонунда “умумий меҳнат қобилиятининг доимий йўқолиши” (104-модда), “меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган” (109-модда 1-қисми) ва “умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган” (109-модда 2-қисми) каби иборалар фойдаланилган.

Тан жароҳатларининг оғирлик даражаси (оғир, ўрта оғирликда ва енгил) Ўзбекистон



Республикаси Жиноят кодекси ва тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидаларида кўзда тутилган тиббий мезонлар асосида аниқланади. Бунда энгил тан жароҳатининг куйидаги кўринишлари фарқланади:

- энгил тан жароҳати;
- соғлиқни қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган энгил тан жароҳати.

Етказилган тан жароҳатининг оғирлик даражасини таснифловчи белгилар куйидагилардан иборат.

1) оғир тан жароҳатлари учун:

- инсон ҳаёти учун хавф;
- кўриш, сўзлаш, эшитиш ёки бирон-бир аъзо ёки аъзо фаолиятининг тўлиқ йўқотилиши;
- рухий ҳолатнинг бузилиши;
- умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан ортигининг турғун йўқотилиши;
- ҳомиладорликнинг узилиши;
- тананинг тикланмайдиган бадбурушлиги;

2) ўрта оғирликдаги тан жароҳатлари учун:

- соғлиқнинг узок, йигирма бир кундан ортиқ, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилиши;

- умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан ўттиз уч фоизгача турғун йўқотилиши.

3) энгил тан жароҳатлари учун:

- соғлиқнинг қисқа, олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга бузилиши;

- умумий меҳнат қобилиятини оз миқдорда турғун йўқотилиши (ўн фоизгача).

Ўз навбатида соғлиққа қарши жиноятлар инсон соғлиғига шикаст етказишда ифодаланишидан келиб чиқиб, “соғлиққа шикаст етказиш”, “тан жароҳати” ёки “баданга шикаст етказиш” тушунчаларини ҳар томонлама таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ.

Юридик адабиётларда аввалдан “баданга шикаст етказиш” ва “соғлиққа шикаст етказиш” тушунчалари ҳақидаги масалалар баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келган. Кўплаб юридик адабиётларда “соғлиққа шикаст етказиш” эмас, балки “баданга шикаст етказиш” тушунчаси келтириб ўтилган бўлиб, лекин ханузгача уларнинг ягона таърифи тўлиқ тавсифлаб берилмаган.

Хусусан, айрим олимлар баданга шикаст етказиш тушунчасини уриш, дўппослаш, қийнаш атамалари билан боғламаслик лозимлигини таъкидласалар, бошқалари эса баданга шикаст етказиш тушунчасига нафақат уриш, дўппослаш, қийнаш ҳаракатларини, балки инсон саломатлигининг умумий бузилишига олиб келмаган ҳамда қон кетиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа зўравонлик ҳаракатларини ҳам киритмаслик лозимлигини қайд этади.

М.М.Горшков эса, тан жароҳат жинояти тушунчасига ўзга шахс томонидан нафақат жиддий ва сезиларли даражада соғлиққа зиён етказиш, балки, бир лаҳзада изсиз ўтиб кетадиган оғриқни ҳам шу жиноятлар тоифасига киритади.

А.А.Матчановнинг таъкидлашича, жисмоний оғриқ билан боғлиқ бўлган зарба, калтак ва бошқа зўравонликлар, ҳар қандай жароҳатлар каби инсон саломатлигига зиён етказиши. Унинг тиббиёт адабиётларига асосланган фикрига кўра, ҳар қандай жисмоний оғриқ тана ва ички органларнинг одатий фаолиятини бузади. Бундай нуқтаи назарни бошқа муаллифлар ҳам қўллаб қувватлаб, зарба, калтак ва бошқа зўравонлик ҳаракатларини тан жароҳати етказиши жинояти деб ҳисоблайдилар.

Ф.Тоҳировнинг ёзишича баданга шикаст етказиш бу – ўзга кишининг соғлиғига унинг хоҳишига зид равишда, ташқи муҳит омиллари таъсири остида тўқималар ёки аъзоларнинг анатомик бутунлиги ёки физиологик функциялари бузилишига сабаб бўлган ғайриқонуний зарар етказиш тушунилиши лозим.

М.Ҳ.Рустамбаев баданга шикаст етказиш деганда, бошқа одамнинг эркига қарши содир этилган, унинг тўқималари ва аъзоларининг анатомик яхлитлиги ёки физиологик вазифалари ташқи муҳит таъсири остида ёхуд айбдор томонидан жисмоний таъсир кўрсатиш билан ишдан чиқаришда ифодаланган соғлиғига ҳуқуққа хилоф равишда зарар етказишни тушуниш лозимлигини таъкидлаган.

Баданга шикаст етказишнинг тушунчасини ёритиб беришдаги фарқлар, биринчидан, баданга шикаст етказишларнинг объектини турлича таърифлашда (баъзилар бундай объект сифатида соғлиқни белгилаган бўлсалар, бошқалар жисмоний дахлсизликни белгилаганлар);



иккинчидан, уриш, дўппослаш, қийнашларни баданга шикаст етказишлар жумласига киритиш мумкинлигидан иборат бўлган, учинчидан, булар жумласига оғриқ берувчи, аммо бошқа оқибатларни келтириб чиқармайдиган зўрлик ишлатиб қилинган бошқа ҳаракатларни киритиш мумкинлигидан иборат бўлган.

Тиббиёт нуқтаи-назаридан одамга ташқи муҳитнинг турли омилларининг таъсири натижасида вужудга келган аъзо ва тўқималарнинг анатомик бутунлиги ва физиологик фаолиятининг бузилиши тан жароҳати сифатида тушунилади.

Тиббий адабиётларда “шикаст етказиш”, “тан жароҳати” ёки “жароҳатланиш” каби тушунчаларнинг суд тиббиёти ва умумий биологик маънолари келтириб ўтилган. Бироқ, соғлиққа қарши жиноятлар тоифасига кирувчи жиноятларни таҳлил қилаётганимизда фақатгина “баданга шикаст етказиш” тушунчасига дуч келамиз, холос. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” қароридан баданга шикаст етказиш тушунчасига инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши сифатида таъриф берилган бўлиб, ушбу таъриф Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари” 153-сонли буйруғида тан жароҳатига берилган таъриф билан бир хилдир. Ушбу таърифларни таҳлил қиладиган бўлсак, тиббий нуқтаи назардан мазкур таъриф “баданга шикаст етказиш”га эмас, балки “тан жароҳати”га берилган таърифга мос тушади. Чунки “баданга шикаст етказиш” тушунчасида учинчи шахс кўплик маъноси яширинган. Шунинг учун юридик адабиётларда тан жароҳати эмас, “баданга шикаст етказиш” тушунчалари келтириб ўтилган. Бироқ ушбу тушунчанинг яхлит, умумэтироф этилган юридик таърифи мавжуд эмас.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июнь 6-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи.
3. Горшков М. М. Первоначальный этап расследования истязаний. Типизация криминалистически значимой информации <http://www.dslib.net/kriminal-process/metodika-rassledovaniya-istjazanij.html/>.
4. Матчанов А.А. Методика расследования преступлений (теоретические и практические аспекты). Монография – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2019.
5. Тохиров Ф.Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т., 2001.
6. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 3-том. Тошкент-2018.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2023

**Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000